



ЭРОН-АФҒОН ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ: ЎТМИШИ, ҲОЗИРИ ВА КЕЛАЖАГИ

ҚУРОНБЕКОВ АҲМАДЖОН

Филология фанлари доктори, профессор, ТошДШИ

Ўзбекистонда эроний тиллардан форс тилини ўрганиш IX асрдан, сомонийлар сулоласи Бухорони пойтахт қилиб, форсий-дарий тилини “сарой тили” деб эълон қилган даврдан бошланган. Бу ўлкада форс тилининг бунчалик кенг ёйилиши бир неча омилларга эга. Сомонийлар салтанати Мовароуннахр, Хуросон ва ҳозирги Эрон қаламравини ўз ичига олган. Бу даврда шоирлардан Рудакий, Дакикий, Қатрон, Фирдавсий ва Анварий, Шаҳид Балхий ҳамда бошқа кўплаб шоир ва ёзувчилар форс тилида ижод қилишган.

Шу даврдан бошлаб масжид ва мадрасаларда араб тили билан бир қаторда форс тили ҳам ўқитила бошлаган. Гарчи Мовароуннахрда азалдан турли миллат ва элатлар ҳамда уруғ-аймоғлар ёнма-ён яшаб келган бўлсалар ҳам, аҳолининг зиёли қисми у қайси тилга мансуб бўлишидан қатъи назар араб ва форс тилларини ўрганган.

Форс тилининг энг қадимий манбаларидан ватанимизда 2700 йиллиги нишонланган “Авесто” муқаддас ёдгорлик китобини оладиган бўлсак, унда Ўрта Осиё ҳудудида яшаган саклар, турлар, қанғи, сўғд қабилаларни ва шу ҳудуддаги қадимги Хоразм, Нисо, Сўғдиёна ҳақида маълумот беради. Демак, бу территорияда қадимги орий қабилалари ва турлар, яъни Турон қабилалари кўп минг йиллар давомида бирга яшаб келишган.

Шуниси диққатга сазоворки, бу муқаддас осори атикада кўп ўринларда Афросиёб билан боғлиқ таъриф-тавсифлар, турли ходисалар ва жангу-жадал манзаралари тасвирланади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғат-ит-турк” қомусида Афросиёб қадим вақтлардаги туркий подшоҳ Алп Эртўнганинг номи эканлиги изоҳланган. М. Муиннинг “Фарҳанги форсий” изоҳли луғатида “Афросиёб” “пахлавий тилида Frasyak маъноси – “қўрқинчли шахс”. Эроннинг қадимги дostonларида Эрон билан узоқ муддат жанг қилган Турон подшоҳининг

номи. Кайхусрав замонида қўлга тушган ва ўлдирилган”, деб изоҳ берилади. Шундан маълум бўладики, Эрон билан Туроннинг тақдири азалдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва туркий халқлар билан эроний халқлар ҳамиша ёнма-ён бир-бири билан қўшничилик алоқаларида бўлишган.

VII асрга келиб араблар истилоси ва Марказий Осиёда ислом дини қарор топганидан кейин, бу минтақада араб – форс – турк муштарак маданияти вужудга келди. Бу даврда кўплаб Мовароуннахр ва Эрондан чиққан олимлар араб ва форс ҳамда туркий тилларда ислом маданияти асосларини, диний таълимотларини яратдилар ва IX асрдан бошлаб форс тилидаги адабиёт юксак раванқ топди. Ислom дини ва араб тилидаги диний таълимот ҳамда форс тилидаги бой шеърый адабиёт асосида бу учта тилда кўп миқдордаги ўзарo муштарак тарих, бадий адабиёт, фалсафа, диний-гасаввуфий адабиёт, илмий тадқиқотлар вужудга келди. Бу тилларда катта миқдордаги илмий-маърифий ва маънавий мерос яратилди.

Ўрта асрларга келиб бу ҳудудда Мовароуннахр, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Ироқ мамлакатларини бирлаштирган йирик Темурийлар давлати барпо бўлди. Темурийлар давлати Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда XV асрдан XVIII асргача давом этди. Бу ҳодиса мана шу ҳудудда яшаётган халқларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий ва маънавий муштарак тараққиётига сабаб бўлди. Ўрта асрлардан бошлаб бу ҳудудда икки тиллик маданият вужудга келиб, давлат ишлари мана шу туркий ва форс тилларида олиб бордилар ва аҳолининг зиёли қисми форс ва ўзбек тилларини мукамал билар эди. Навоий хазратларининг таъбирлари бўйича “туркий халқнинг фасихроклари сорт (форс) тилида шеър ҳам” айтишга қодир эдилар. Икки тиллилик анъанаси XX асрнинг бошларигача давом этиб келди.



XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган Муқимий, Фурқат, Завқий ва юзлаб бошқа шоирлар икки тилда бирдай шеър айтишган.

Бу минтақада жойлашган халқларнинг тарихини, бадиий адабиёти, фалсафаси ва аниқ фанлар бўйича яратган илмий меросини ўрганмокчи бўлган ҳар қандай тадқиқотчи бу халқларнинг тилини, динини, фалсафий қарашлари, урф-одатларини мукаммал ўрганмай туриб ҳеч бир муваффақиятга эришолмайди.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида форс тилини ихтисослик сифатида ўрганиш 1918 йилда таъсис этилган Туркистон шарқ институтида бошланди. Бу институт 1918 йилдан 1924 йилгача фаолият кўрсатди.

Бу даврда Туркистон шарқ институтида М.С. Андреев “Форс тили”, “Тожиқлар этнографияси”, “Афғонистоннинг тарихий географияси” курсларини, А.А. Семёнов эса “Эрон филологияси”, “Форс тили ва адабиёти” курсларини олиб борарди. В.В. Бартольд Ўрта Осиё ва Эрон тарихидан махсус курслар олиб борган. Бу даврда шарқ институтида литография усулида бир неча ўқув қўлланмалар ва матнлар тўплами чоп этилди. “Темурнома”, “Тўтинома”, “Чор дарвеш”нинг айрим қисмлари, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Анвар-е Сухайлий” асаридан парча, “Чанд хикояте форсий” ана шулар жумласидандир. Амалга оширилган ишлар ва чоп этилган нашриялардан кўриниб турибдики, асосий мақсад талабаларга форс тилидан дастлабки маълумот ва форс тилидаги асарларни мутолаа қилиш учун тил кўникмаларини яратиш бўлган. Форс тили ва мутахассисликка оид курслар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тузилмаган.

1924 йилга келиб Туркистон шарқ институти Ўрта Осиё давлат университетига алоҳида бир факультет сифатида қўшилди ва бу факультет 1930 йилларгача фаолият кўрсатди.

Бу даврда яратилган асарлар ва ўқув-услубий қўлланмалар эроншуносликнинг олди-га қўйган асосий мақсади форс тилини биладиган тадқиқотчи мутахассисларни тайёрлаш ва Ўрта Осиёга оид адабий ва тарихий манбаларни ўрганишдан иборат бўлган.

1944 йили ўн тўрт йиллик узилишдан сўнг Ўрта Осиё давлат университети таркибида Шарқ факультети ташкил этилди. Бу факультет 1944 йилдан 1991 йилгача фаолият кўрсат-

ди. Бу факультетда Е.Э. Бертельс раҳбарлигида биринчилар қаторида Эрон филологияси (1955 йилдан Эрон-афғон филологияси) кафедраси фаолият кўрсата бошлади.

Эрон-афғон филологияси кафедраси ташкил бўлган даврдан бошлаб то мустақилликнинг биринчи йилигача бўлган даврда қўплаган шарқшунос мутахассисларни етиштириб чиқарди. Бу кафедранинг биринчилар қаторида битирганлардан бир қанча йирик олимлар етишиб чиқишди. Жумладан, академиклар Р. Аминова, У. Каримов, А. Қаюмов, А. Рустамов, Д.Ю. Юсупова, таниқли олимлардан профессорлар Ш. Шомухамедов, А. Ҳайитметов, Р. Ходизода, И. Абдуллаев, М. Қодирова, А. Ўринбоев, эроншунослик фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган фан доктори, профессорлардан Э. Рустамов, Қ. Маҳмудов, С. Ғаниева, А.Г. Ғаниев, Л.С. Гиунашвили, О.У. Усмонов, Р.Т. Рашидов, С.Х. Файзулина, Ҳ. Алиқулов, А. Раззоков ва фан номзодларидан Н.А. Мухамедова, М. Абдусаматов, З.А. Умаров, И.С. Якубова ва ўнлаб бошқалар етишиб чиқдилар. Мана шу даврда амалга оширилган тилшунослик бўйича илмий ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўрта аср форс тилидаги адабий манбаларнинг луғавий таркиби ва маъно хусусиятлари, луғатчиликдаги талқин қилиш усуллари, ҳозирги замон форс тилининг фонетик тизими, пушту тили фразеологияси, сўз яшаш бўйича ишлар қилинган. Бу даврда тузилган дарсликлар асосан рус тилида бўлиб, ўзбек тилида М. Абдусаматов тузган ва 1972 йилда чоп этилган ягона дарслик мавжуд эди.

Эрон-афғон филологияси кафедрасининг мустақилликдан кейинги даврдаги фаолияти Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларидан бошланди. 1991 йил 15 июлда ТошДУ таркибидаги Шарқ факультети ажралиб чиқиб, ҳукумат қарори билан Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил бўлди. Шу муносабат билан 1978 йилда иккига ажралган Эрон филологияси ва Афғон филологияси қайтадан бирлаштирилиб, Эрон-афғон филологияси кафедрасига айлантирилди.

Мустақиллик даврида Шарқшунослик институти олди-га бутунлай янги вазифалар ва янги мақсадлар қўйилди. Биринчи навбатда, шарқшунос олимлар ва тадқиқотчилар олди-га миллий маънавий меросимизни ўрганиш, қайта тиклаш ва кенг халқ оmmasига етказиш



вазифаси қўйилди. Кейинги навбатда, ватанимиз қўшни шарқ мамлакатларининг тили ва маданий ижтимоий ҳаёти, иқтисодий-сиёсий жараёнлар, урф-одатлари, анъаналарини яхши биладиган давлатлараро иқтисодий ва ҳуқуқий ҳужжатларни таржима қилишга қодир бўлган шарқшунос мутахассисларни тайёрлаш вазифаси белгиланди. Учинчи навбатда, ҳамма ўқитиладиган фанлар бўйича мустақиллик идеологиясига йўғрилган, давлат тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш вазифаси қўйилди.

Бу даврда етишиб чиққан эроншунос ва афғоншунос олимлардан филология фанлари доктори, профессорлар А.М. Маннонов, М.С. Имомназаров, А. Куронбеков, Б.Н. Назаров, Р. Иномхўжаев, Ш.С. Сирожиддинов, С. Қурбонов форс, пашту, дарий тили ва адабиёти бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Кафедра доцентларидан О.З. Шокиров, А.А. Вохидов, Х.З. Алимова, Д.А. Азимджанова ва бошқалар тилшунослик бўйича тадқиқотлар билан бир қаторда дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда унумли ҳисса қўшиб келдилар.

Ушбу даврда кафедра талабаларга форс, дарий ва пашту тилларини ўргатишда энг долзарб муаммолардан бўлган форс, дарий ва пашту тилларининг назарий ҳамда амалий грамматикаси муаммоларини ҳал қилишга диққат-эътиборни қаратди. Шу мақсадда кафедра аъзоларидан Н.А. Мухамедова “Форс тилининг назарий грамматикаси” (1994 йил), А. Куронбеков 3-курс лицей талабалари учун “Форс тили” ўқиш китоби (2001 йил), А. Куронбеков, А. Вохидов, Т. Зияева 1-курс ОТМ талабалари учун “Форс тили” дарслик (2006 йил) ва шу муаллифлар томонидан 2-курс талабалари учун “Форс тили” (2010 йил), А. Куронбеков “Ўзбекча ва дарийча сўзлашув китоби” (2007 йил), “Форс тили имло қоидалари” (2008 йил), Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, академик лицейлар ва ўрта таълим мактаблари учун “Форс тили ўқиш китоби” ўқув қўлланмаси (2008 йил), ОТМ учун “Форс тили лексикологияси” ўқув қўлланмаси (2009 йил), “Форс тили 3-курс лицей талабалари учун” дарслиги (2011 йил), “Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси” (2011 йил), “Форсча-ўзбекча тилшунослик терминлари луғати” (2011 йил),

“Форсча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча тилшунослик терминлари луғати” (2015 йил), “Ҳозирги замон форс сўзлашув тили” (2016 йил), Р. Иномхўжаев 1, 2 ва 3-курс талабалари учун “Пашту тили” (2011, 2015, 2018 йил), О.З. Шокиров, А.М. Маннонов “Дарий сўзлашув тили” (2002 йил), О.З. Шокиров 1-курс талабалари учун “Дарий тили” ўқув қўлланмаси (2004 йил), “Дарий сўзлашув тили матнлари” (2006 йил), Т. Зияева “Форс тилининг назарий грамматикаси” (2009 йил), А.А. Вохидов лицей ўқувчиларининг 1-2-курслари учун “Форс тили ўқиш китоби” ўқув қўлланмаси (2002 йил), “Форс тилида сўз ясалиши” (2010 йил), Х.З. Алимова “Дарий ва ўзбек тилларининг солиштирма-киёсий грамматикаси” (2002 йил), “Дарий тили” (морфология) (2008 йил), “Эрон тилшунослиги” (2009 йил), Д.А. Азимджанова “Форс ва ўзбек тилларининг солиштирма-киёсий грамматикаси” (2008 йил), Ю. Хўжакулов “Дарий тили” (2010 йил) ўқув қўлланмаси китобларини ёзиб чоп эттирдилар.

Юқорида номлари зикр этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилгач, Эрон-афғон филологияси кафедрасининг талабалари фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланди.

Кафедранинг олдида турган яна бир долзарб муаммо – магистратура босқичидаги ўқув режасига кирган фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашдир. Бу ўта долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун кафедранинг магистрант ва аспирантлари ҳамда ёш илмий тадқиқотчиларига юқорида зикр этилган вазифаларга алоқадор мавзуларни танлаш ва тавсия қилиш тақозо этилади.

Таъкидлаш керакки, бу йўналишда ҳам кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бир қанча ўқув қўлланмалар чоп этилди. А. Куронбековнинг “Мутахассислик фанларини ўқишнинг замонавий услублари” (2011 йил), “Классик форс тили” (2014 йил), “Форс тили (ўрта аср даври)” (2015 йил), Н. Мухамедованинг “Ўрта форс тили” (2010 йил), Д.А. Азимджанованинг “Ўрганилаётган мамлакатда тил вазияти (Эрон, Афғонистон)” (2009 йил), “Чет тилидаги махсус адабиёт (форс тили)” (2009 йил), “Эронда тил вазияти” (2013 йил), А.А. Вохидовнинг “Форс тили балоғат илми”

(2010 йил), “Мутахассисликнинг назарий масалалари” (2014 йил), А. Куронбеков, М. Исхоков, Н. Муҳамедоваларнинг “Форс тили тарихи” (2012 йил) шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида Эрон-афғон филологияси кафедрасининг илмий-тадқиқот бўйича амалга оширган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Кафедра битирувчиларидан А.М. Маннонов, М.С. Имомназаров, А. Куронбеков, Ш.С. Сирождинов, С. Қурбонов каби фан докторлари ва профессорлар, А.А. Воҳидов, Х.З. Алимова, Д.А. Азимджанова, Д.Р. Аҳмедова, Ҳ.В. Мирзахмедова каби фан номзодлари етишиб чиқдилар. Бу олимларнинг кўпчилиги эроншунослик ва афғоншуносликнинг бугунги кунда долзарб бўлиб турган адабиётшунослик ва тилшунослик мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Кафедра аъзолари давлат томонидан эълон қилинган фундаментал ва инновацион грантларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Профессор А. Куронбеков раҳбарлигидаги профессорлар А.М. Маннонов, М.С. Имомназаров, катта ўқитувчи Д. Аҳмедова, ўқитувчи А. Нишанбаева ва бошқалардан иборат гуруҳ аъзолари томонидан Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларининг конкорданси тайёрланиб нашрдан чиқди. Амалга оширилган бу илмий тадқиқот маҳсули келажакда навоийшуносликда катта бурилиш ясаши муқаррар. Шунингдек, кафедрада катта ўқитувчи Д. Аҳмедова раҳбарлигида “Шарқ тиллари икки тиллик луғатларининг лексикографик тадқиқотлари” грант лойиҳаси доирасида бир қатор тилларнинг луғатлари, шу жумладан, профессор А. Куронбековнинг “Форсча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча тилшунослик терминлари луғати” нашрдан чиқди. Бундан ташқари, грантлар доирасида А. Куронбековнинг “Маснавийи маънавий”да тасаввуф тимсоллари”, “Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида тасаввуф тимсоллари”, “Хамса” уммонидан қатралар” монографиялари, А. Куронбеков, А.М. Маннонов, М.С. Имомназаров ҳаммуаллифлигида “Алишер Навоий асарлари бўйича конкорданс тузиш қўлланмаси”, М. Имомназаровнинг “Навоийшуносликка кириш” монографияси нашрдан чиқди. Айни пайтда профессор А. Куронбеков раҳбарлигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар

Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирган “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларининг яратилган конкорданслари асосида Алишер Навоий дostonларининг санама сўзлиги (частотали луғати)ни тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда. Бугунги кунга қадар улардан “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларининг санама сўзлиги тайёрланиб чоп этилди.

Бу даврнинг ўзига хос томони шундаки, ҳозирги кўпчилик ёш тадқиқотчилар тилшуносликнинг ҳозирги давр учун энг зарур бўлган мавзуларида илмий тадқиқот иши олиб бормоқдалар.

Кафедра узоқ муддатга мўлжалланган “Ҳозирги замон форс, дарий, пашту тилларининг назарий муаммолари” истикболли мавзусини ёш тадқиқотчилар олдига вазифа қилиб белгилаган.

Мана шу истикболли мавзу бўйича форс, дарий, пашту тили фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, лексикологияси, сўз яшаш усуллари, семасиологияси, луғатчилиги, услубшунослиги, қиёсий-типологик грамматикаси бўйича номзодлик ва докторлик мавзулари белгиланган. Ҳозирги илмга энди кириб келаётган талабалар, магистрант ва докторантлар кўрсатилган мавзулар бўйича ўз йўналишини танлаб олиб, ўша мавзулар бўйича курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси ва докторлик диссертацияларини ёзиб ҳимоя қилмоқдалар. Жумладан, кафедра доценти А. Воҳидов “Марказий Осиёда тасаввуф терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти”, Х. Алимова “Дарий тилида сўз яшалишининг ички лингвистик усуллари ва йўналишлари”, Ю. Хўжакулов “Дарий тилида ижтимоий-сиёсий терминлар”, Д. Аҳмедова “Форс тилидаги сўз туркумларининг публицистик матнлардаги услубий ва функционал хусусиятлари”, М. Ҳабибова “Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида форсий ўзақдан ясалган содда феълларнинг таркиби ва маънолар силсиласи”, Н. Ҳодиева “Форс тилида содда феъллар асосида ясалган қўшма феъллар”, Д. Каримов “Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида форсий ўзлашмаларнинг структур ва семантик таҳлили”,

Н. Нуриддинов “Ҳозирги форс тилида қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив белгилари”, А. Нишанбаева “Алишер Навоийнинг дostonларида форсий, арабий ва туркий яри-маффиксларнинг таркиби ва семантик хусу-сиятлари”, С. Султанходжаева “Форс тилидаги соматик фразеологизмлар”, М. Каландаров “Классик форс шеърятини рамз ва тимсол-ларнинг такомил босқичлари”, З. Арифджанов “Форс тилида содда ва қўшма феълларнинг инвариантлари”, Н. Кабирова “Холед Хоссейни гендер новеллистикаси”, О. Маматкулов “Паш-ту тилида феъл системаси”, ва шунга ўхшаш бошқа мавзуларда тадқиқотлар олиб бормок-далар. Ҳ. Мирзахмедова “Форс тилида транс-порт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари” мавзусида диссертация хи-моя қилиб, 2017 йилда филология фанлари бў-йича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси-ни олишга муяссар бўлди ва ҳозирда “Форс ва ўзбек тилларида термин яшаш муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормокда.

Кафедра мустақилликдан кейинги 27 йил ичида қилинган ишларни сарҳисоб қилсак, бажа-рилган ишлар анчагина, лекин олдинда турган, ўз ечимини кутаётган муаммолар унданда кўп.

Ҳал қилиниши керак бўлган энг катта муам-мо – бу талабаларни зарурий, юқори савияда тузилган, жаҳон стандартларига жавоб беради-ган дарслик ва ўқув қўлланмалар, форсча-ўзбек-ча ва ўзбекча-форсча луғатлар, янги педагогик технологиялар асосида тузилган дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва йўриқномалардир.

Кафедра талабалари асосан Ю.А. Рубинчик таҳрири остида тайёрланган “Форсча-русча” луғат, шунингдек, Г.А. Восканян тузган “Рус-ча-форсча” луғатдан, Эрон олимлари А. Дех-худо, М. Муин томонидан тузилган форсча изоҳли луғатлардан фойдаланишади.

Ҳозирги пайтда форс, пашту, дарий тилла-рида таҳсил олаётган талабаларнинг кўпчилиги рус тилини мактабда етарли эгалламаганлиги сабабли, луғатлардан фойдаланишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Кафедра бу муаммони ҳал қилиш учун Эрон Ислom Республикасининг маданият иш-лари бўйича Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш

устида иш олиб бормокда. Яқин келажакда бу ишлар амалга ошириб қолса керак, деган умиддамиз.

Кафедра аъзолари бакалаврият ва магистратура, шунингдек, форс тили ўқитиладиган ТДШИ қошидаги лицейлар ва ўрта мактаб ўқувчилари учун дарслик ҳамда ўқув қўллан-малар ишларини хориж тажрибасининг қўлла-ган ҳолда давом эттирмоқда. Жумладан, А. Ни-шанбаева, Д. Каримов, М. Каландаров 1-курс учун “Форс тили” дарслигини, А. Куронбеков ва Н. Нуриддиновлар “Форс тили лексиколо-гияси”, А. Нишанбаева “Эрон филологиясига кириш”, Ҳ. Мирзахмедова, А. Воҳидов “Форс тили (сўз бирикмалари синтаксиси)” ўқув қўл-ланмаларини тайёрлаш устида иш олиб бор-мокдалар. Галдаги вазифалар магистратура босқичи учун ҳам хориж адабиётлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий қўлланмалар яратишдир.

Кафедра олдида турган яна бир улкан ва-зифа – бу кафедра аъзоларининг илмий сало-ҳиятини давомли равишда ошириб боришдир. Шу мақсадда кафедранинг бир қатор ўқитувчи-лари Эрон Ислom Республикасига бориб малака ошириб келишди, кафедра профессор-ўқитувчиларидан А. Куронбеков, Р. Иномхў-жаев, З. Арифджанов Эронда ўтказилган конфе-ренцияларда маъруза билан қатнашиб келишди. Эрондаги Техрон университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ўртасида ҳам-корлик битими тузилиши кутилмоқда. Эрондан таклиф қилинган профессор-ўқитувчилар ка-федрага келиб, форс тили ва адабиёти бўйича бир қатор маърузалар ўтказишига келишилган. Эрон таълим ва илмий марказлари билан ҳам-корлик ҳамда ўқитувчилар ва талабалар алма-шинуви, олимларнинг қўшма тадқиқотлари сўзсиз кафедранинг илмий-педагогик салоҳия-тини янада оширишга сабаб бўлади.

Эрон-афғон филологияси кафедрасининг 100 йиллик тарихида, айнан мустақиллик йил-лари кафедра учун юксалиш даври бўлди. Бу даврда мустақил Ўзбекистоннинг Эрон-афғон филологияси соҳасида ўз фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чикдилар. Кафедра энг билимдон, барча замонавий педагогик методлар ва шарқшунослик билимларини эгаллаган мута-хассислар билан таъминлангани қувонарлидир.